

Саное нафиса деган сўзни онглагувчилар бизнинг орамизда ҳам кўпайиб колди. Илгари оддий бир томоша (театр)ни ҳам тушунмаган, драм билан кулгуни ажрата олмагон халк хозир саное нафисанинг худди ўзига ҳам тушуниб келадир. Ишнинг ўзи ҳам шундог бўлмоги керак эди; чунки меҳнаткаш, кўли кабаргонлар ҳокимияти бўлгон шўролар тартибининг юзага чиқишига бугун 3 йил бўладир.

3 йилдирки, эзилганлар эзганлар устида, маҳкумлар ҳокимлар тепасида ҳукумат сўралар.

3 йилдирки, ишчи ва дехконлар ер юзининг хийла зўр бир бўлимида ўз эгаликларини қуруб, ўзини бўғмок учун келган ёвлар билан дам олмасдан ёкалашалар.

Конлар тўқула, жонлар кета, ўлимлар қайнайдир.

Бу холда гўё ҳеч бир огиз ёйиб қулишлик мумкин эмас кабидир.

Гўё ҳар нарса ёлғиз мотам, ёлғиз кон, ёлғиз аччиг ва газабдан иборатдир.

Бу холларни биз тарихда ўкугон бўлсак, ўйлар эдикким, ул даврда қаҳру газабдан бошка нарса бўлмагандир. Ўюн-кулги деган нарсани кишилар унутконлардир, деб...

Локин бу ўзгариш, бу 3 йилдан бери бўлиб келаёткон талаш, қураш бир тарафда бўлиб ётадир. Конлар тўкилиб, жонлар бериладир.

Бирок иккинчи тарафда қулалар, ўйнайлар, шодланалар. Кўнгил очалар, ҳам шундай бир ўйин-кулгиким, тарих муниг сингарисини сира кўргани йўк.

Неча минг йиллардан бери бўлуб келган эски дунёни оғдармок, янги дунё тузиб, они тамом бошка бир рангга бўямок иши тобширилгон ўзгаришчилар турмушнинг ҳар бир жузъида, ҳар бир бўлагида ҳаракат қилалар. Турмушнинг ҳар ёгин, ҳар тарафини ўзгарталар.

Шул ўзгаришлар ичига ўйин-кулги ҳам қируб қоладир.

Илгари ҳам ўйнаб қулганлар. Бирок бу қундагидан бошқачарок бир йўлда. Саное нафиса эски замонда бойлар, подшоҳлар салтанати замонида ҳам бор эди. Бор эдигина эмас, жуда юксалган, авжига чиқкон эди.

Якин замонлардагина тугилгон саное нафисани буржуазия ҳаёлчилари жуда нозиклашдирганлар, ҳаёлийлашдирганлар эди.

Бутун умрини ишламай бекор ўтказатургон бойлар, бойбаччалар, тўра болалари, хон, хонзодалар бекорчиликдан зерикмас учун саное нафисага берилалар; қолгу чалалар, ўйинга тушалар, севги шеърлари тўқийлар, ўқийлар эди. Буларнинг устига, катта шаҳарларда бир эмас, 5—6 бизнинг «Колезей»дай театрлари бўлар, шуларда пул билан, олтун билан санъатни сотуб олуб (яхшироқ тушунингиз: санъатни сотиб олуб!) завкланурлар эди.

Кискаси саное нафиса эски дунёда бир қисм халқнинг завқи, айш ва ишрати учун ишлайтургон бир нарса эди.

Унга юрагида, қўнглида бир севги, бир интилув сезиб, берилган қанча паст синф, тубан қисм, эл болалари ўша бой ва бойбаччаларни завкландириш йўлида вақтсиз жон бердилар. Қурбон бўлдилар, жинни бўлгон қолғичилар, варам (сил қасали)нинг аччиг панжасига тушган мумассил артист ва мумассила артисткалар саногсиздир.

Энди бу ёкга, янги дунёга, меҳнаткаш ва эзилганлар оламига кўз солсак, ўша саное нафиса, ингичка хунарни тагин қўрамыз. Бирок мунда қўбгина бошқалик бор.

Театр-томошалар бор, локин улар илгаригидай биргина бой болалари, бойлар ва тўразодаларнинг қайфи, лаззати учун эмас, бутун эл, бутун халқ, ҳамма ишдан бўшағоч

кўнгил очмокчи бўлгонлар учундир.

Сахна бу дунёда юкори синфларнинг тумтарокли турмушларини кўрсатмайди эмас, кўрсатади, бироқ шул турмушнинг аччиг ва жиркантиратургон хидини томошачиларга хидлатмак учун кўрсатади. Чолгининг киллари яна боёгидай чертилиб турур, бироқ бойлар кайфи учун ўйнагонига йиглаб эмас, чарчагон халкнинг кўнглини очкони учун севиниб, эзилган халкка эзилув даврларини эслатмак учун йиглаб чертилуру. Шеър хам, ашула, кўшиклар хам ёзилурулар. Бироқ бойларни, уларнинг хаёлий саройларини мактаб эмас, очик, тортинувсиз равишда кўнглидагини айтмак, элнинг ўз турмушини ўзига ингичка килиб кўрсатмок учун ёзилуру.

Мехнаткашлар саное нафисаси кенгдир, мунда буржуазия таклидчилиги йўқдир; унда ўзидан чикарув, ўзидан сочув бордир. Унинг йўли кенгдир.

Саное нафиса бу дунё ва шахар учунгина эмас, мана шу ер, шўролар идорасининг энг улуг хосиятидир. Саное нафиса ўзини тугдирувда кўб рўл ўйнайтургон кишлок ва кишлок мехнатчилари учун кўб ишлагусидир. Бироқ бу кунгача тегишинча бўла олмагон экан, бунга 3 йиллик турмушнинг талашув, курашув ва гавголар ичида ўтуви сабабчидир.

Хозир бир Туркистонда, Туркистоннинг Тошканд шахридаги ишларни кўз олдида келтирганда хам, Шўроларнинг саное нафисага кандай зўр ахамият билан карагонликларини кўрмак мумкиндир. Тузуккина бир труппаси бўлмагон эски Тошканд букун яхши бир яхшигина икки труппага моликдир. Расмий бир тотор труппа украинали, ёхудий, озарбайжонлилар хам бирар юварак, бирар тўн бўлиндирулар. Мундан сўнг тагинда яхшилантирмок учун хозиргача баъзи жойларда театр ишларининг бошига чикиб кўб ишларга каршилик ва зарар килиб тургон эски дунё «йўгонлари» билан кураш борадир; шуларнинг натижаси Туркистонда саное нафисани хам энг юкори даражага кўтаргусидир. Шўролар ҳукумати, ишчилар эгалиги — саное нафисаниннг энг суюкли, мухтарам бобосидир. Ул бобонинг тарбияси саное нафисани осмонларга чикаргусидир, бироқ жабр йўли билан эмас, ишк берилув ва севги йўли биландир.

Шўролар саное нафиса ила Шаркни кул эмас, хур килгусидир.

Шарк саное нафисаси келгусида Гарбники билан бир бўлгон холда ўзининг ишчи болаларининг кўнгилларини очуб, рухларини юксалтиргусидир.

Макола «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 7 ноябр сониде эълон килинган.